Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 264 (4662).
20 НОЯБРЬ 1981 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг олтинчи сессияси

ВАТАН ҚУДРАТИНИ МЕҲНАТ БИЛАН МУСТАҲКАМЛАЙМИЗ

ИТТИФОҚ СОВЕТИДА

18 ноябрь Иттифоқ Советининг кечқурунги мажлисида депутат **А. Дуйшеев**,

«Азнефть» бирлашмаси 26 Боку комиссари номидаги нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармасининг оператори депутат **Г. М. Гусейнова** бундай деди: мен ишлаб турган бошқарма коллективи йиллик социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариб бўлди. Корхонада янги техника, илғор меҳнат усуллари жорий этилмоқда. Депутат республика нефтчилари ҳозирча мамлакатдан қарздор эканликларини эслатиб, шу беш йилликда бир қанча янги конларни ўзлаштириш, ишлаб турган конлардан фойдаланишни яхшилаш, уларнинг техникавий базасини мустаҳкамлаш, қатламларнинг самарадорлигини оширишнинг илғор усулларини кенг жорий этиш режалари тузилаётганини таъкидлади.

Грузия ССР Министрлар Советининг раиси депутат **З. А. Патаридзе** шу йилнинг ўн ойи ичида пландан ташқари бир неча ўн миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилганини, топшириққа қўшимча равишда неча юз минг тонналаб чой барги, узум етиштириб берилганини уқтириб ўтди.

Нотиқ план топшириқларини йилма-йил бир маромда таъсимлаб бермаётган, ўзларига қарашли корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажмини камайтираётган баъзи умумиттифоқ министрликлари шаънига бир қанча танқидий мулоҳазалар айтди.

Молдавия ССР Олий Совети Президиумининг раиси **И. П. Калин** шуни уқтирдики, аграр-саноат озиқ-овқат комплекси республика экономикасининг ўзагини ташкил этади. Шундай бўлса ҳам, комплекс фаолиятининг ҳамма проблемалари ҳал этилган эмас. Унинг тармоқлари ўртасидаги иқтисодий алоқаларни, унинг барча бўғинлари бақамжиҳат бўлиб ишлашини, планларнинг мувозанатли бўлишини янада такомиллаштириш лозим. Аграр-саноат комплексининг самарадорлигини ошириш масалалари юзасидан фундаментал илмий тадқиқотлар ҳам ўтказилиши зарур.

В. И. Ленин номидаги Литва ГРЭСининг директори депутат **П. М. Норейка** бундай деди: янги беш йилликда республикада энергетика хўжалигини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади, бу хўжалик экономика ва маданиятни янада юксалтиришнинг негизидир.

Депутат бир қанча иттифоқ министрликларига мурожаат этиб, янги қурилишлар учун технология асбоб-ускуналари ўз вақтида етказиб берилишини таъминлашни илтимос қилди. Барпо этилган ишлаб чиқариш потенциалидан яхшироқ фойдаланиш, моддий ресурсларни ва бошқа ресурсларни тежаб-тергаб ишлатиш — барча корхоналар ва тармоқлар коллективларининг бурчидир, деб таъкидлади у.

Ўртага қўйилган вазифаларнинг реаллиги, деди Горький область ижроия комитетининг раиси депутат **В. И. Семенов**, ўсиб бораётган моддий техника базасининг потенциал имкониятлари билангина эмас, айни вақтда беш йиллик топшириқларини бажаришга азму қарор берган меҳнаткашларнинг ижодий ғайрат ва шижоати билан ҳам белгиланади.

Депутат область партия ва совет ташкилотлари бутун диққат-эътиборни қурилаётган катта-катта объектларни тезроқ битказишга, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишга, тармоқларни планлаштириш билан территориал планлаштиришни узвий равишда боғлаб олиб боришга қараганлигини гапириб берди.

Совет халқларининг ягона қардошлик оиласида республикамиз меҳнатчилари КПСС XXVI съезди ўртага қўйган кенг миқёсли социал-иқтисодий вазифаларни муваффақиятли ҳал этмоқдалар, деб уқтирди Қирғизистон ССР Министрлар Советининг раиси депутат **А. Дуйшеев**.

Депутат яйловлардан гоят тўла-тўкис фойдаланиш, чорвадорларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилаш масалаларига батафсил тўхталиб ўтди.

Беш йиллик планда, деди КПСС Новосибирск область комитетининг биринчи секретари депутат **А. П. Филатов**, бой энергетика ва хом ашё ресурслари ўлкаси бўлган Сибирга катта ўрин берилган.

Илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқаси маҳсулот сифатини яхшилашга кўп жиҳатдан ёрдам беради, деди сўзини давом эттириб нотиқ. Ҳозир тағин ҳам юқори классдаги машина — механизмлар талаб қилинмоқда. Янги нусхадаги машина ва механизмларни ишлаб чиқиш ва тайёрлаш муддатларини анча қисқартириш лозим.

Депутат ишчи кучининг муттасил оқиб келишини вужудга келтириш зарурлиги тўғрисида гапириб, янги кадрларни зарур шарт-шароитлар билан, жумладан уй-жой билан таъминлаш муҳимлигини таъкидлади.

Қишлоқларнинг қиёфасини ўзгартиришда саноат марказларининг меҳнаткашлари актив қатнашмоқдалар, деди Пермь областидаги «Россия» колхозининг раиси депутат **М. А. Путилов**, заводларнинг оталиқ иши янада аниқ мақсадни кўзлаб олиб бориладиган бўлиб қолди.

Нотиқ колхознинг ўтган беш йилликдаги хўжалик фаолияти натижаларини таъриф лаб бергач, қишлоқни техника билан таъминлаш масалаларига тўхталди. Бизга юборилаётган плуглар, культиваторлар ва сеялкалар агротехника талабларига мувофиқ келмайди. Красноярск заводидан олинаётган бирота ғалла комбайнини аввал созламай ва мурувватларни топмай ишлатиб бўлмайди.

Иқтисодий ишлаб чиқаришни интенсивлашгина экономикани ривожлантиришнинг ва халқ фаровонлигини оширишнинг зарур суръатларини таъминлаши мумкин, деди Латвия ССР Министрлар Советининг раиси депутат **Ю. Я. Рубэн**. Ўн биринчи беш йилликда ҳамма ишларни интенсивлаш, ишлаб чиқариш потенциалидан яхшироқ фойдаланиш, капитал маблағ самарадорлигини ошириш Латвия халқ хўжалигини ривожлантириш йўлини белгилаб беради.

Республика меҳнатчилари, деб таъкидлади нотиқ, ҳамма бўғинларда хўжалик юритиш савияси оширилган тақдирдагина, ҳар бир меҳнат коллективида планлар бажарилган тақдирдагина беш йиллик план топшириқлари рўёбга чиқарилиши мумкинлигини жуда яхши тушуниб турибдилар.

КПСС Дағистон область комитетининг биринчи секретари депутат **М.-С. И. Умахонов** қишлоқ хўжалик тармоқларининг жумладан чорвачиликнинг самарадорлигини ошириш учун автоном республикада кўрилаётган тадбирларни гапириб берди. Улуғ рус халқининг ва Советлар мамлакатидаги бошқа халқларнинг қардошлик ёрдами туфайлигина республика муваффақиятга эриша олди, деб таъкидлади нотиқ.

Депутат ўз фикрича зудлик билан ҳал этилиши лозим бўлган бир қанча проблемаларга тўхталиб ўтди.

Мамлакатимиз изчиллик билан тинчликсеварлик сиёсатини ўтказиб келаётган бир пайтда Американинг янги раҳбарлари Совет Иттифоқи билан тузилган ҳамма битим ва шартномаларни сурбетларча қасддан улоқтириб ташлаб, биздан ҳарбий устунликка эришишга интилаётганлиги ҳаммамизни айниқса ғазаблантирмоқда, деди Уфа нефтни қайта ишлаш заводининг директори депутат **М. И. Ахметшин**. Совет парламентининг аъзолари ўз халқи номидан гапириб, бизни ҳеч ким чўчита олмайди, дейдилар.

Нотиқ Бошқирдистонда барча республикаларнинг қардошларча ёрдами билан барпо этилган йирик энергетика — нефть химияси комплексини ривожлантириш проблемаларига тўхталди. Нефтни қайта ишловчилар ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳар тарафлама ошириш, янги ишга туширилаётган қувватларни тезроқ ўзлаштириш ва ишлаб турган қувватларни интенсивлаш учун зўр сабот билан курашмоқдалар.

СССР Фанлар академияси Сибирь бўлими атмосфера оптикаси институтининг директори, СССР Фанлар академияси Сибирь бўлими Томск филиали президиумининг раиси депутат **В. Е. Зуев** ўртоқ Л. И. Брежневнинг Сибирь ва Узоқ Шарқ районлари бўйлаб қилган сафарлари регионни ривожлантириш учун бениҳоя катта аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари депутат **Ю. И. Полукаров** қуйидагиларни уқтириб ўтди: давлат планларининг лойиҳалари республика олдида янги кенг истиқболлар очади. Бироқ, деб таъкидлади депутат, баъзан тармоқ ичидаги планлаштиришда йўл қўйилган янглишишлар сабабли қийинчиликлар келиб чиқмоқда, бунинг оқибатларини биз иттифоқ министрликларининг ёрдамисиз бартараф эта олмаймиз.

МИЛЛАТЛАР СОВЕТИДА

Депутатлар ва меҳмонлар **В. В. Кузнецов**, **Э. А. Шеварднадзе**, **М. В. Зимянин**, **К. В. Русаков** ўртоқларни давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

1981—1985 йилларда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат плани, 1982 йилги давлат плани ва 1981 йилги план қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги, СССРнинг 1982 йилги давлат бюджети ва СССРнинг 1980 йилги давлат бюджетининг ижроси ҳақидаги масалаларни муҳокама қилиш давом эттирилди.

Музокараларда Тожикистон Компартияси Ленинобод область Комитетининг биринчи секретари **Р. Хожиев**, Узоқ Шарқ ва Забайкалье районларида СССР Қурилиш министри **С. В. Башилов**, Ригадаги «Мара» ишлаб чиқариш трикотаж бирлашмасининг тикувчи-мотористи **Р. А. Медянкина**, Арманистон ССР Министрлар Советининг раиси **Ф. Т. Саркисян**, Қирғизистон ССР Фанлар академиясининг президенти **М. Имоналиев** ва бошқа депутатлар сўзга чиқдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1931 йил ноябрь Пленумида сўзалаган ёрқин нутқи сўзга чиққанларнинг диққат марказида турибди. Нотиқлар таъкидлаганидек, бу нутқда мамлакат халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий тенденциялари конкрет, амалий, чуқур илмий тарзда таҳлил қилинган, бир қанча муҳим амалий хулосалар чиқарилган. Асосий вазифа, деб таъкидлашди нотиқлар, — жанговарликни оширишдан, меҳнаткашларда уюшқоқликни, ишчанликни, мустаҳкам интизомни тарбиялашдан иборат.

* * *

Кечқурун Иттифоқ Совети ва Миллатлар Советининг қўшма мажлиси бўлди.

Йиғилиш аҳли **Л. И. Брежнев**, **Ю. В. Андропов**, **М. С. Горбачев**, **А. А. Громико**, **А. П. Кириленко**, **Д. А. Кунаев**, **А. Я. Пельше**, **Г. В. Романов**, **М. А. Суслов**, **Н. А. Тихонов**, **Д. Ф. Устинов**, **К. У. Черненко**, **В. В. Щербицкий**, **Г. А. Алиев**, **П. Н. Демичев**, **Т. Я. Киселев**, **В. В. Кузнецов**, **Б. Н. Пономарев**, **Ш. Р. Рашидов**, **М. С. Соломенцев**, **Э. А. Шеварднадзе**, **И. В. Капитонов**, **В. И. Долгих**, **М. В. Зимянин**, **К. В. Русаков** ўртоқларни давомли гулдурос қарсаклар билан кутиб олди.

СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари, СССР Госплани раиси депутат **Н. К. Байбаков** мамлакат давлат плани тўғрисидаги масала юзасидан якунловчи нутқ сўзлади.

СССР Олий Совети палаталар бўйича алоҳида-алоҳида овоз бериб, 1981—1985 йилларда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат плани, 1982 йилги давлат бюджети тўғрисидаги қонунни бир овоздан қабул қилди.

Сўнгра СССР Олий Совети Президиумининг Секретари **М. П. Георгадзе** СССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисида доклад қилди. Депутатлар доклад юзасидан тегишли қонунлар ва қарорларни қабул қилдилар.

Шу билан Ўнинчи Чақириқ СССР Олий Советининг олтинчи сессияси ўз ишини тугатди.

(ТАСС).

ПАРТИЯ РЕЖАЛАРИ— ХАЛҚ РЕЖАЛАРИ

БУТУН КУЧ—САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШГА!

Барча совет кишилари қатори корхонамиз меҳнат коллективлари, коммунистлари ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитетининг Пленумида сўзлаган нутқини зўр эътибор ва қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Совет кишилари фаровонлигини янада ошириш руҳи билан суғорилган бу ёрқин нутқ ҳар биримизда буюк Ватанимиз шоншавкати билан фахрланиш билан бирга зиммамизга янада катта масъулиятлар ҳам юклайди.

Унда партия ташкилотларининг жанговарлигини оширишга катта аҳамият берилган. «Меҳнат коллективларидаги вазият, кайфият, демакки, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам коммунистларнинг қандай ишлашига боғлиқ», деган сўзлар ҳар бир коммунистни ўз ишига юксак масъулият билан ёндошишга даъват этади.

Корхонамиз коммунистлари шу кунларда Пленум материалларини ҳар бир кишн қалби ва онгига сингдириш, коллектив олдида турган вазифаларни ҳал этишга бош-қош бўлмоқдалар. Людмила Каморова, Туробжон Тўражонов сингари кўплаб пропагандистлар Пленумда қўйилган вазифалар моҳиятини корхона коллективи режалари билан узвий боғлаб тушунтирмоқдалар. Улар бутун куч- таъриба ва билимларини яратувчилик резервларни қидириб топишга, меҳнат самарадорлигини янада оширишга, зиммаларига олинган мажбуриятларни муддатидан илгари бажаришга қаратмоқдалар.

Ш. АКБАРОВ,
Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари.

КАТТА ИШЛАР ПРОГРАММАСИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1981 йил) Пленумида сўзлаган катта нутқида мамлакатимиз халқ хўжалигининг беш йилликнинг биринчи йилининг ўтган ойларидаги фаолияти чуқур таҳлил этилди, келгуси йилдаги катта ва муҳим вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, ўртоқ Л. И. Брежнев ўз нутқида қишлоқ хўжалиги учун кўплаб машина-механизмлар ишлаб чиқариш ва улардан яхшироқ фойдаланиш, мелиорацияни ривожлантириш, ўғитдан янада самарали фойдаланиш ва шу асосда қишлоқ хўжалигининг об-ҳавога боғлиқлигини камайтиришга эришиш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бу вазифаларни амалга ошириш қишлоқ меҳнаткашлари билан бир қаторда, қишлоқ учун техника воситалари ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган саноат корхоналари, коллективлари олдига ҳам муҳим вазифалар қўяди.

Заводимизда турли хил тракторларнинг двигателларни ремонт қилинади, ирригация иншоотларида ишлатиладиган гидропресслар тайёрланади. Биз қишлоқ бўртмаларини ўз вақтида бажаряпмиз. Бундан ташқари колхоз ва совхозларга оталиқ ёрдамини ҳам кучайтираяпмиз.

Заводимизга Калинин районида қурилаётган чўчқачилик комплекси учун 43 та металл ферма тайёрлаб бериш вазифаси топширилганди. Бу буюртма ўз вақтида адо этилди.

Коллективимиз ўзининг ҳалол меҳнати билан мамлакатимизда коммунистик мўл-кўлчилигини бунёд этишдек катта ишга муносиб ҳисса қўшаётганлигидан яхши билади. Шунинг учун ҳам тобора унумлироқ, сифатлироқ меҳнат қилишга ҳаракат қилади.

Ю. МАҲМУДЖОНОВ,
«Госкомсельхозтехника» нинг тажриба ремонт-механика заводи нччиси, СССР Давлат мукофоти лауреа

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● КПСС Марказий Комитетининг 1981 йил 16 ноябрда бўлиб ўтган Пленумида ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлаган нутқ алоҳида брошюра қилиб чиқарилди. КПСС Марказий Комитетининг Пленумида қабул қилинган «1981—1985 йилларда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани ва 1982 йилги Давлат бюджети лойиҳалари тўғрисидаги қарори ҳам китобчага кирган.

Брошюрани Сиёсий адабиёт нашриёти кўп нусхада чиқарди.

● Ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг олтинчи сессиясида қабул қилинган «1981—1985 йилларда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани тўғрисида» ва «1982 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришн и н г Давлат плани ҳақида» Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Қонунлари эълон қилинган.



МАОРИФЧИЛАР УЛУШИ

Шу кунларда республикамизнинг пахта пайкалларида «оқ олтин»нинг сўнгги мисқолларн териб олиниб, улкан хирмонга жўнатилмоқда. Етиштирилган ҳосилнинг сўнгги граммигача нес-нобуд қилмай териб олишда шаҳарликлар фаоллик билан иштирок этмоқдалар. Собир Раҳимов район халқ маорифи вакилларининг катта бир группаси Тошкент область Бўка районининг Карл Маркс номли колхози пахтазорларида баракали меҳнат қилдилар. Мазкур колхозда 200 га яқин ҳашарчи астойдил тер тўкиб, кунига 7—8 тонна подбор териб бердилар.


— Колхозимизнинг давлатга пахта сотиш планини муддатидан илгари шараф билан бажаришида, — дейди колхоз партия ташкилоти секретари Мирзаахмад Акимбоев, — Собир Раҳимов район халқ маорифи ходимларининг ҳиссаси катта бўлди. Биз улардан жуда ҳам миннатдормиз. Ҳар бир ҳашарчи ўрта ҳисобда кунига 100—130 килограммдан подбор териб, бизларни мамнун этди.

— Колхоз далаларида етиштирилган мўл ҳосилни йиғиштириб олишда маорифчиларимиз ўз кучларини аямадилар, — дейди шу колхоздаги халқ маорифи вакиллари штаби бошлиғи Раҳимжон Очилов. Масалан, 185-мактабдан М. Валихонова, Д. Ғуломова, 243-мактабдан М. Бўрибоева, 478-болалар боғчасидан Э. Ковалева, 181-боғчадан опасингил Фотима ва Зуҳра Рисқуловалар кунлик нормасини икки баравар бажаришиб, бошқа ҳашарчиларга ўрнак бўлишди.

Хуллас, Собир Раҳимов район халқ маорифидан борган ҳашарчилар бўкаликларнинг катта «оқ олтин» хирмонига муносиб ҳисса қўшдилар.

СУРАТЛАРДА: Собир Раҳимов район халқ маорифидан борган ҳашарчилар Бўка районининг Карл Маркс номли колхозига қарашли 12-бригадаси далаларида етиштирилган ҳосилни териб тошширмоқдалар; терилган пахта хирмонга жўнатилянти.

Х. Мирзакаримов фотолари.



ПАХТАКОРЛАРНИ ШОД АЙЛАБ

Ҳамза номли Ленин орденли Ўзбек давлат академик театрининг таниқли санъат устолари Тошкент областининг пахтакорлари ҳузурида Ў. Умарбековнинг «Кузнинг биринчи куни», Т. Минуллиннинг «Альмандар» спектакллари бир неча бор намойиш этдилар.

Ижодий коллектив Қашқадарё области бўйлаб ўтказган сафарида 30 мартага яқин спектакль кўрсатди. Томошабинлар СССР халқ артисти З. Муҳаммаджонов, республика халқ артистлари Ж. Тожиев, Ғ. Аъзамов, И. Болтаева ва бошқаларни самимий олқишладилар.

Айниқса бу йилги пахта йиғим-терими авжига чиққан кунларда пойтахт театрларининг коллективлари пахтакорларнинг қалбини хушнуд этиш мақсадида дала шийпонларига бир неча марта саҳна асарлари билан бордилар. Муқимий номли республика музикали театрининг уч группага бўлинган бригадаси пойтахт областининг Янгийўл ва Тошкент, Бўка ва Оққўрғон районларида маданий хизмат кўрсатди. Артистлар оталиқ концертларини бериш билан бирга, пахтакор хўжаликларнинг бадиий ҳаваскорлик коллективларига репертуар танлаш, концерт программаларини ҳозирлаш, спектакларни саҳналаштириш, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларини ташкил этиш ишлари юзасидан яқинда беминнат ёрдам бердилар.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА

Кеча

Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги агрегат заводида узлуксиз ишлаб чиқариш жараёнларида комплекс механизацияланган шаронтларда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги масалалари бўйича заводларараро уч кунлик илғор тажриба мактаби ўз ишини тугатди.

Бу мактаб машғулотларини Кировограда шаҳридаги трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ЦНИИТЭИ бўлими, Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги агрегат заводи ва УзНИИНТИ ташкил этдилар.

Шу соҳа заводларининг меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўлимларининг мутахассислари комплекс механизациялашган шароитларда узлуксиз ишлаб чиқариш жараёнларини тадбиқ этиш, борасидаги иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Тошкент корхонасида бу борада олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир. Сўзга чиққан нотиқлар техника хавфсизлиги бўйича стандартларни тадбиқ этиш, ахборот картотекаларини тузиш тўғрисида гапирдилар.

●

электрон-техника заводининг клубида «Ўзбекистон адабиётчилари — ёшларга» деган учрашув ўтказилди.

Бу учрашув анъанага айланиб бормоқда. Ҳафтада бир марта ёзувчилар, шоирлар ва адабиётчилар ёшлар ҳузурига меҳмон бўлиб келмоқдалар. Учрашув ва суҳбатларнинг мавзуси — «Менинг қалбимда она-Ватан», «Ишчи қўли ҳамма ишга қодир», «СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига» ва бошқа мавзулардир. Йигит ва қизлар ёзувчиларнинг суҳбатларини тинглаш билан бирга, уларнинг ижодий режалари, янги ва яратилажак асарлари ҳақида ҳам маълумотлар олмоқдалар. Бундан ташқари ёшларни яратилаётган янги асарлар, комсомолнинг «Оқ олтин ҳосилини йиғиб олиш учун курашдаги ҳиссаси», янги қурилишларнинг қўлами кўпроқ қизиқтирмоқда.

Бугун

касаба союзларининг йўлланмаси билан Тошкент ва Чирчиқ шаҳарларининг нишчилар фарзандларидан иборат болалар группаси дам оланиш учун Евпаторийга жўнаб кетишди.

Болалар санаторий типидаги «Ёш ленинчи» пионер лагерида даволанадилар. Улар педагоглар раҳбарлигида ўқишни давом эттирадилар, барча маданий-маиший тадбирларда қатнашадилар, ўзлари севган тўгаракларда шуғулланадилар.

●

Тошкентдаги «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасининг кутубхонасида СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги ва мамлакат касаба союзларининг XVII съездига бағишланган тадбирларнинг режаси тасдиқланди.

Бу тадбирлар лекциялар ва ўқувчилар конференциялари, кўргазмалар, корхонанинг таниқли кишилари билан учрашувлар ўтказишдан иборат.

Бирлашманинг касаба союз кутубхонаси — область социалистик мусобақасининг ғолиби бўлиши билан бирга ишчи ва хизматчиларнинг ҳурматига сазовор бўлди. Кутубхона мудири Валентина Ивановна Боярчукнинг бу борадаги хизматлари таҳсинга сазовор.

●

шаҳримиз китоб магазинларида янги адабиёт пайдо бўлди. У Тошкентнинг 2 минг йиллик юбилейига бағишлаб «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Тошкент» йўл кўрсаткич — справочниги дир.

Тошкентнинг ажойиб майдонлари ва ёдгорликлари, хиёбонлари, боғлари, уй-жой массивлари, музейлари билан таништириш, унда яшаб ижодиги ва меҳмонларини ҳамиша кутиб олиб турадиган аҳолини

ИДЕОЛОГИЯ ВА ҲАЁТ

Амалиёт билан узвий алоқада

Партия ўқуви, иқтисодий таълим ва комсомол сиёсий маорифи системасида янги ўқув ва муваффақиятли йили бошланди. У ўзига хос хусусиятли бир давр — КПСС XXVI навбатдаги ва Ўзбекистон Компартиясининг XX навбатдаги қарорларини амалга ошириш учун қаратилган курашда ҳал қилувчи йилларнинг бири бўлади. Бу — партия ва халқимиз учун социалистик мусобақа авж олган бир вазиятда бошланди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездида қилган Ҳисобот докладида шундай деган эди: «...Пропагандист — партия ўқуви системасида асосий сиймо. Семинарлар, сиёсий мактаблар, университетларнинг қандай бўлиши: улар кўпинча одамлар зеҳнига қоладиган, белгиланган соатларгина «ўтказиладиган» жой бўлиб қоладими, ёки бунинг аксича, ҳамма ерда партия тафаккури, партия сўзининг ҳақиқий маркази бўлиб қоладими, бу нарса кўп жиҳатдан пропагандистга боғлиқдир». Бу фикр бевосита биз, пропагандистларга тааллуқлидир. КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида партия ўқувини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида партия ўқувининг янги структураси тасдиқланиши билан бирга, унда пропагандистлар олдига янги вазифалар қўйилди.


Биз янги ўқув йилига тайёргарлик жараёнида съезд қўрсатмаларини, партиямиз Марказий Комитетининг қарорини қайта-қайта ўргандик. Партия ўқуви, иқтисодий таълим ва комсомол сиёсий маорифи системасида бир қатор янги курслар ва предметлар киритилиши муносабати билан ўз назарий билимимиз ва методик маҳоратимизни янада оширишга интилдик. Аввалари, корхонамизда битта сиёсат коммунистлар мактаби иш олиб борган бўлса, эндиликда иккита сиёсат коммунистлар мактаби ишлаяпти.

Мен бир неча йиллардан буён корхонамизда марксизм-ленинизм асослари мактабида машғулотлар олиб бораман. Тингловчиларнинг марксизм-ленинизмнинг бой назарий мероси, К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленин, Л. И. Брежнев асарларини, партиямиз съездлари, КПСС Марказий Комитетининг Пленумлари материалларини чуқур ва пухта ўрганишларига ҳар томонлама ёрдам беришга ҳаракат қиламан. Партиямиз амалга ошираётган жуда катта бунёдкорлик ишларини бевосита корхонамиз коммунистлари, коллективи фаолияти мисолида узвий боғлаб тушунтиришга интиламан.

Сиёсий ва иқтисодий таълим системасида янги 1981—1982 ўқув йили арафасида Тошкент пропагандистларининг катта бир группаси қаторида мени ҳам марксча-ленинча назарияни ва КПСС сиёсатини пропаганда қилиш борасидаги кўп йиллик фаолиятимни ҳисобга олиб, шаҳар партия комитети бюроси қарорига кўра Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ёрлиғи билан тақдирланди. Буни мен ўзимга берилган янги наказ деб биламан.

Ҳамкасбларим Шоанвар Шоюсупов, Роберт Эштейн сингари ўнлаб моҳир пропагандистлар ўзларининг бутун қалб қўрлари, бой билимларини беш йиллик хизматига бағишлаяпмиз.

М. ФРИГИН,
В. И. Ленин номли электротехника заводи пропагандисти.



СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи мамлакатимиз қишлоқ механизаторлари учун турли хил трактор, прицеплар ва эҳтиёт қисмлар тайёрлаб беради.

СУРАТДА: корхонанинг Т—28Х4М маркали тракторлар йиғиш цехида. Цех ишчилари ўз зиммаларига олган план-топшириқларини ортиғи билан бажариб ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда.

ТО Справкалар бюроси

ҲАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Б. ЭРНАЗАРОВ, Т. ЖУМАНИЁЗОВ, С. ХОЛИҚОВ, Ш. ЖОЗИЛОВ: Биз Тошкент халқ хўжалиги институтининг бир группа студентлари шоферлик курсига кириб ўқимоқчи эдик. Ана шу ниятимизни амалга ошириш учун қаерга мурожаат қилишимиз зарур?

Жавоб: Тошкент шаҳар автохаваскорлар жамиятининг автомобиль мактабида кечки шоферлик курслари бор. Ана шу группада ўқишни истовчилар ўзлари яшаб турган район ижроия комитетидаги автохаваскорлар жамияти, район советининг раисига мурожаат қилишлари керак. Жамиятга аъзо бўлганлар шоферлик курсига қабул қилинади.

* * *

И. ҒОФУРОВ: Мен «Кама» велосипеди сотиб олган эдим. Қанчи ямаб бўлмайдиган даражада йиртилиб кетди. Шундай камерларни қаердан сотиб олишим мумкин?

Жавоб: Усмон Юсупов кўчасида спорт буюмлари билан савдо қилувчи магазин жойлашган. Ана шу ерда мотоцикл ва велосипедларнинг барча эҳтиёт қисмлари сотилади. Бундан ташқари ҳудди шунга ўхшаш магазин Муқимий кўчасидаги 6-кварталда ҳам ишлаб турибди.

* * *

Н. СОЛИЕВА: Шаҳримизда сумка, дипломат портфеллар тузатадиган устахоналар бор деб эшитаман. Уларнинг адресини берсангиз.

Жавоб: Ленин проспектидаги маиший хизмат шаҳарчасида, Олой бозорида, Оқтепа майдонида Сиз сўраган устахоналар аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Бу устахоналар ҳар куни эрталаб соат ўндан кеч 18 гача очиқ.

* * *

Э. АЗИМОВ. Айтингчи, қурткалар тугмасини буюртмадигидан ёки ремонт қилиб берадиган устахоналар борми?

Жавоб: Шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармасига қарашли пунктларда тугмалар учун буюртмалар беришингиз мумкин. Бундай пунктлар Олой бозори ва Киров кўчасидаги «Гулнора» пойафзал магазини ёнида жойлашган.

* * *

М. ХОЛДОРОВ: Мен грампластинкаларни йиғишга қизиқаман. Эшитишимча пластинкаларни почта орқали юбориш учун буюртма бериш мумкин экан. Шу тўғрими?

Жавоб: Усмон Юсупов кўчасида спорт буюмлари билан савдо қилувчи магазин жойлашган. Ана шу ерда мотоцикл ва велосипедларнинг барча эҳтиёт қисмлари сотилади. Бундан ташқари ҳудди шунга ўхшаш магазин Муқимий кўчасидаги 6-кварталда ҳам ишлаб турибди.

* * *

Н. СОЛИЕВА: Шаҳримизда сумка, дипломат портфеллар тузатадиган устахоналар бор деб эшитаман. Уларнинг адресини берсангиз.

Жавоб: Ленин проспектидаги маиший хизмат шаҳарчасида, Олой бозорида, Оқтепа майдонида Сиз сўраган устахоналар аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Бу устахоналар ҳар куни эрталаб соат ўндан кеч 18 гача очиқ.

* * *

Э. АЗИМОВ. Айтингчи, қурткалар тугмасини буюртмадигидан ёки ремонт қилиб берадиган устахоналар борми?

Жавоб: Шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармасига қарашли пунктларда тугмалар учун буюртмалар беришингиз мумкин. Бундай пунктлар Олой бозори ва Киров кўчасидаги «Гулнора» пойафзал магазини ёнида жойлашган.

* * *

М. ХОЛДОРОВ: Мен грампластинкаларни йиғишга қизиқаман. Эшитишимча пластинкаларни почта орқали юбориш учун буюртма бериш мумкин экан. Шу тўғрими?

Жавоб: Ҳақиқатан ҳам пластинкаларни почта орқали олдиндан берилган буюртма билан сотиб олиш мумкин. Ҳозирча бу усул фақат мамлакатимизнинг Москва областида жорий этилган. Бизнинг шаҳримизда бундай буюртмалар мавжуд эмас.

* * *

А. ИБРОҲИМОВ: Мен «Днепр-10» маркали магнитофонимни тузаттирмоқчи эдим. Шуни қаерда тузатиб беришади?

Жавоб: Чилонзор районидаги Пионер кўчасида шаҳар «Зангори экран» ателъеси жойлашган. Сиз ана шу ердаги устахонага мурожаат қилиб магнитофонингизни тузаттиришингиз мумкин.

* * *

Ф. РАҲИМОВА: Шаҳримизда пальтоларни қайта тикиб берадиган устахона борми?

Жавоб: Шаҳримизда кийим-кечакларни ремонт қилиб берадиган комбинат бор. Бу ерда ишлаётган тажрибали усталар аҳоли истагига кўра турли хил либосларни қайта тикиб беришади ва ремонт қилишади. Ана шу ҳақдаги қўшимча маълумотларни билиш учун 33-14-41 рақамли телефонга қўнғироқ қилишингиз мумкин.

* * *

Ф. ТЎХТАЕВ: Мен радио ва телевизорларни тузатишни ўргатадиган уста бўлишни орзу қиламан. Бунинг учун қайси ҳунар-техника билим юртига ўқишим керак?

Жавоб: Радиоприёмник ва телевизор тузатишга ниҳоятда бўлсангиз ўқув кўчаси 107-уйда жойлашган Тошкент шаҳар соцнал таъминот бошқармасига қарашли ҳунар-техника билим юртига ўқишингиз.

● МЕҲНАТИНГ — ЗИЙНАТИНГ

УСТА

Пойтахтимизнинг энг баланд, энг чиройли турар биноси сирасига кирувчи Ниёз Ризокулов қурилиш объектида бўлганимизда унинг ишлаётган жойларини кўрсатган эди. Ниёз ака ҳақиқатан ҳам ўз ишининг устаси экан. Ҳозир у 11-«Висотстрой» трестининг энг яхши бригадаларидан бирининг бригадири. Бригада аъзолари ҳам ўз ишларининг моҳир усталари. Ниёз ака Ризокулов 1957 йилда Тошкент қурилиш техникумини тугатиб, 11-«Висотстрой» трестига ишга келган. Ўша пайтлар трест янги ташкил этилган, ишчи кучи ҳам, техника ҳам етарли эмас эди. Ниёз ака ҳам бошқа ишчилар қатори ҳар хил оғир ишларда ишлади. Кейинчалик у ўзининг ишга бўлган қизиқиши ва меҳнатсеварлиги туфайли бригадир ёрдамчиси, сўнгра бригадир бўлиб ишлади. Ниёз ака раҳбарлик қилган бригада ишларни ўз вақтида ва сифатли бажарди. Шунинг учун ҳам бригада ҳар ойда ишлаб чиқаришнинг ўсишига эришиб, ҳар ойда премия олиб турди. Ниёз ака ўз бригадаси билан 1978 йилда Ленин туғилган кунининг 108 йиллигига бағишланган социалистик мусобақада ғолиб чиқиб, Ленин туғилган кунининг 109

ТАБИАТ — ИНСОНИЯТ ОНАСИ

САЙЁРАМИЗ ГЎЗАЛЛИГИНИ ЙЎҚОТМАСИН

Фан-техника революцияси содир бўлаётган шу кунларда сайёрамиз биосферасига, унинг тузилишига ва энергетик кучларига инсонлар томонидан кўрсатилаётган таъсир кун сайин ошиб бормоқда ва кенгаймоқда. Сайёрамизда шаҳар ва саноат муассасалари қурилишларининг кўпайиши, бўз ерларнинг қишлоқ хўжалиги экинзорларига айлантирилиши, ўрмонларнинг тартибсиз кесилиши, сув ҳавзалари сонининг ошиб борилиши ва бошқалар ер сатҳи рельефи ва структурасининг кескин ўзгаришига сабаб бўлмоқда. Улар келгинги йиллар давомида қурғоқликнинг 20 процентдан кўпроқ жойини қўшимча равишда эгаллаб олди. Натижада бу катта майдонларнинг иссиқлик ва сув балансида ўзига хос ўзгаришлар пайдо бўлди. Маълумки, Европа ва АҚШдаги кўпчилик оқар дарёлар бу ерлардаги суғориш системалари, канализация ва саноат муассасалари орқали оқиб ўтади ва улар ҳисобига етарли даражада ифлосланмоқда.

Ҳар йили миллиард тонналаб ёқилаётган кўмир ва нефт-газлар атмосферада карбон газининг кўпайиб боришига олиб келмоқда. Баъзи бир тараққий этган шаҳарларда инсонлар нафаси учун ва бошқа эҳтиёжлар учун зарур кислород миқдори шу ерлардаги ўсимликлар қайта ишлаб чиқарадиган кислород миқдоридан ошиб кетяпти. Шулар қатори Ер шарларидан ҳар йили 100 миллиард тоннадан кўпроқ турли минерал хом ашёлари қазиб олинмоқда. Буни иккинчи сўз билан, таъбир жоиз бўлса, йил сайин ҳар бир инсон учун Ер шарларидан 25 тоннадан ошиқ минерал хом ашё қазиб олинмоқда. Ана шу миқдорнинг кўпчилик қисми, айрим кезларда унинг 90 процентги чиқинди сифатида атроф-муҳит ер сатҳига ташланмоқда.

XX аср давомида тропик ўрмонлар майдонининг кисқариб бориши, тупроқдаги сув ва шамол эрозиясининг кучайиши, айрим ўсимлик ва ҳайвонлар сонининг камайиб бориши сайёрамиз халқларини жиддий равишда ташвишга солмоқда. XV асрда Мадейра оролидаги сунъий ёнғин бир неча йил давом этди. Хатто у денгизда сузувчилар учун машъал бўлиб хизмат килди. Лекин оролдаги буткул ўсимлик ва ҳайвонот дунёси «ўлим»га маҳкум этилди.

Олимларнинг ҳисобларига кўра, 1600-1973 йиллар давомида 63 турли сут эмизувчилар ва 94 хил қушлар ер юзидан «гойиб» бўлдилар. Инсонларнинг табиатга нисбатан қилган катта ёки кичик нохўш ҳаракатлари туфайли шу даврлар ичида 100 дан ортиқ ҳашарот турлари ва умуртқасиз ҳайвонлар ер сатҳидан қирилиб кетдилар. Бундай ҳолатлар оз бўлса ҳам кейинги йиллар давомида Европа, Осиё ва Африкада бўз ерларни ўзлаштиришда ҳам ўз аксини топмоқда.

Шулар қатори сайёрамиз нуфуси кун сайин ва зудлик билан ошиб боряпти. Аксинча тез тараққий этаётган айрим мамлакатларда эса қишлоқ хўжалигининг маҳсулдорлиги суст ўсмоқда. Бу номутаносиб ўсиш ҳам ер юзи халқларини ҳақли равишда безовта қилмоқда.

Биз юқорида зикр этилган бу нохуш оқибатларнинг барчаси, жумладан, атроф-муҳитнинг ифлосланиши айрим қишлоқ ёки мамлакатлар манфаати билан чегараланиб қоладиган масала эмас,албатта. Чунки сайёрамиз сатҳи бир бутун муҳитдир: Шунинг учун ҳам уни ҳар тарафлама муҳофаза қилиш бутун жаҳон миқёсида ҳал этиладиган проблемалардан биридир.

Агар биз ҳозирги аҳволни объектив равишда анализ қиладиган бўлсак, шуни алоҳида таъкидлашимиз мумкинки, инсонлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда катта муваффақиятларга эришдилар: у мукаммал агротехника, юқори ҳосилли навлар, наслдор ҳайвонлар, ўсимлик ва ҳайвонлар касалликлари билан қарши курашишнинг янги омилларининг кашф этилиши шулар жумласидандир. Буларнинг ҳаммаси келгусида тез суръатлар билан ўсиб бораётган сайёрамиз халқларини озиқ-овқат билан тўла-тўкис таъминлаш имкониятлари мавжудлигидан далолат беради. Лекин тараққиёт йўлига кирган ва капиталистик давлатлардаги халқларининг айрим қисмининг ярим оч ҳолатда яшаши, у ердаги социал-сиёсий тузум факторларига боғлиқдир.

Сайёрамиздаги озиқ-овқат манбалари қатори кейинги йилларда пайдо бўлган «Ер хом ашё манбаларн камайиб бормоқда» деган фикр ҳам нотўғри ва асоссиздир. Чунки ҳар йили сайёрамизда топилаётган янги конлар ва келгусида Ер остининг чуқур зоналари ва космик сайёралардаги минерал хом ашёларидан фойдаланиш имкониятларининг кашф этилиши планетамиз халқлари учун бу соҳада порлоқ истиқболлар очиб бермоқда. Жумладан, янгидан-янги топилаётган энергия манбалари, термоядро реакциясини бошқариш, қуёш радиациясидан, денгиз сувларининг қиргоққа босиб келиши ва қайтишидаги энергиядан фойдаланиш ва ҳоказолар сайёрамизда ҳеч қачон «энергия очлиги» тугилмаслигига яққол мисолдир. Бинобарин, бу порлоқ истиқболлар табиат хом ашё манбаларидан палапартиш фойдаланиш деган сўз эмас, албатта.

Лекин сайёрамиздаги атроф-муҳитнинг ифлосланиш даражаси кун сайин ошиб бориши табиат ва жамият ўртасидаги мулоқат проблемаларини тубдан қайта кўриб чиқишни талаб қилмоқда. Бу —атроф-муҳитни муҳофаза қилиш режаларини амалга оширишга йўлида биринчи қадам сифатида, агар биз чиқиндисиз ишлайдиган саноат, кон хўжалиги ва бошқа муассасалар ярата олсак, бу соҳадаги янги стратегия билан қуролланган бўлар эдик.

Инсоният келгусида ана шу ва шунга ўхшаш янгидан-янги усуллар билан қуроллана борса, миллион ва миллиард йиллар давомида табиат ишлаб чиқган мувозанатни сақлаган ҳолда, вақтинча бузилган мувозанатни зудлик билан тузатишга қодир бўла олар эди. Лекин шуни уқтириш зарурки, бу ишларни амалга ошириш жуда ҳам мураккаб ва қийин бўлишига қарамай, бу масалаларга сайёрамиздаги ҳар бир инсон ва давлатлардан максимум қудрат ва эътибор талаб қилинади, бу соҳадаги катта-кичик ҳамма режалар ва маблағларни бирлаштириб иш кўришни тақозо этади.

Шундай қилинганда ва мавжуд табиат қонунларини эътироф этган ҳолатда инсонлар атроф-муҳитдан максимал фойдаланиш у ёқда турсин, уни бошқариш кучига ҳам эга бўла оладилар. Акс ҳолда табиат ва инсон ўртасидаги алоқалар бузилади ва оғир оқибатларга сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам бутун жаҳон миқёсида бу умумий ҳал этилиши зарур бўлган масалалар чуқур социал ва сиёсий қарашлар билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Масалан, атроф-муҳитга шахсий мулкдорлик нуқтаи назаридан қаралганда, унинг бойликларидан очкўзларча фойдаланиш турган гап ва бу ҳолат социалистик тузумдаги табиатдан планли равишда фойдаланишга нисбатан кўпроқ ноҳуш оқибатларга олиб келиши ҳаммага аён. Бунинг устига ўз-ўзидан маълумки, социал зиддиятлар, қуролланиш пойгаси, одам ўлдиришнинг янгидан-янги қуролларини синаб кўриш биосфера учун мислсиз даражада катта зарар кўрсатади. Бунинг устига қуролланиш учун сарфланаётган чексиз сармоялар атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун зарур бўлган сарф-ҳаражатлар ҳажмини оширш у ёқда турсин, балки унинг кун сайин камайиб кетишига олиб келмоқда.

Ана шундай вазият ва тўсиқларга қарамай, инсонлар ҳозирда мавжуд бўлган социал қарама-қаршиликл а р-нинг буткул бартараф этилишини кутиб тура олмайдилар. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш чораларини шу бугун ишлаб чиқиш ва уни бутун жаҳон миқёсида амалга оширишни талаб қиладилар.

Совет Иттифоқи бу соҳага бағишланган барча халқаро омилларни чин қалбдан маъқуллади ва уларнинг ҳаммасини қўллаб қувватлади. Маълумки, Совет Иттифоқи атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича халқаро аҳамиятга эга бўлган бир қанча таклиф ва қонунларнинг муаллифи сифатида ташаббус кўрсатди. Жумладан, 1963 йили Совет ҳукумати ядро қуролини ер остида ва сатҳида, сув ости ва космосда синашни тақиқлаш масаласини таклиф этди. Бу ташаббусни 100 дан ортиқ давлатлар маъқулладилар ва унга имзо чекдилар.

Кейинги йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун ер юзидаги давлатлараро тузилаётган шартномалар сони кўпайиб боряпти. СССР— АҚШ, СССР— Канада ўртасида ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган давлатлар ўртасида тузилган шартномалар шулар жумласидандир.

Бир сўз билан айтганда, ер юзидаги халқлар ва турли элатлар орасида доимий дўстлик ва ҳамкорлик мустаҳкамланган сари табиат ва инсон мулоқатининг самарадорлиги ошиб боради ва атроф-муҳит ўз навбатида инсонлар учун ўз эҳсонини аямади.

Агар ҳаётни кислородсиз ва сувсиз тасаввур қилиш қанчалик қийин бўлса, уни ер қобиғининг устки қисмидаги тупроқсиз ҳам тасаввур қилиш шунчалик қийиндир. Бундан ташқари, Ер қобиғининг устки қатлами— тупроқдан ташқари унинг барида турли-туман фойдали қазилма конлари ҳам жойлашгандир. Бунинг барчаси инсонлар учун моддий бойлик, бинобарин ҳаёт манбаи бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам бу бизни ўраб олган атроф-муҳит — табиатни кўз қорачиғидек асраш замон тақозосидир.

М. ЗОКИРОВ,
геология-минерология фанлари доктори.



Ҳамшаҳарларимиз шу кунларда ССР Иттифоқи академик Большой театри артистларининг талқинида «Ҳинд достони» спектаклини мароқ билан томоша қилмоқдалар. У. Мусаевнинг ушбу спектаклига атоқли совет ёзувчиси Шароф Рашидович Рашидовнинг машҳур «Кашмир қўшиғи» асари асос қилиб олинган.

Постановка муаллифлари Ю. Скотт ва РСФСРда хизмат кўрсатган артист Ю. Папко (Ю. Григоровичнинг бадиий раҳбарлигида) бадиий материалининг хусусиятларини саҳнада, пластик ҳаракатларда акс эттиришга муваффақ бўлишган. Балетда халқлар ўртасидаги тинчлик ва дўстлик мавзуи, яхшиликнинг ёмонлик устидан ғалабаси мавзуи ниҳоятда актуал жаранглайди.

СУРАТДА: «Ҳинд достони» спектаклидан бир саҳна.

Леонид Ильич Брежнев — қисқача биографик очерк

«Леонид Ильич Брежнев— қисқача биографик очерк» китобининг учинчи, тўлдирилган нашри босилиб чиқди.

Китобда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг бутун ҳаёти ва фаолияти меҳнат кишиларининг манфаатларига бўйсундирилганлиги, қонқардошлик ва бузилмас алоқалар уни ҳамиша халқ билан боғлаб келганлиги ва боғлаб турганлиги конкрет мисолларда кўрсатиб берилган. Партия Л. И. Брежневни қаерга юборманг, у ҳамма ерда ва ҳамма ишда партиянинг улуғ иши учун ўзига хос гайрат-шижоат ва сабот-матонат билан курашиб келди ва курашмоқда. Барча қитъалардаги коммунистлар учун, юз миллионлаб кишилар учун унинг номи ленинча принципиаллик, ички интернационализм, тинчлик ва социал тараққиёт учун фидокорона кураш рамзи бўлиб қолди.

Китоб шундан яққол далолат беради, Коммунистик партия ва Совет давлатининг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби Л. И. Брежнев совет халқи Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаларини мустаҳкамлаш учун, мамлакатимизда социализм учун фидокорона раш олиб борган ларда ўсиб, чини сиёсий раҳба плеларсига мансуб

Леонид Ильич кўп қиррали, ҳар толмай олиб бора самарали фаолият социалистик Ват Ленин партия коммунизм идеал га садоқат билан мат қилишнинг и бахш намунасидир

Биографик оче КПСС Марказий митети ҳузур марксизм-лен н и н институтн таёрл Китобни сиёсий биёт нашриёти ч ган ва у Москв «Красний пролета босмахонасида этилган.

(ТАС

ТОШКЕНТ ТЕАТРЛАРИДА

«СЕН НИМА УЧУН ЯШАЙСАН?»

Тошкентдаги Охунбобоев номли ёш томошабинлар театрининг коллективи ўзининг янги саҳна асарини театр муҳлисларига намойиш қилди. У Озарбайжон драматурглари Имрон Қосимов ва Ҳасан Сеидбейлиларнинг «Сен нима учун яшайсан?» деган психологик (Ваҳоб Рўзиматов таржимаси) драмасидир.

Бу саҳна асарида совет ёшларининг она-Ватан олдидаги муқаддас бурчи, инсоннинг ҳаётда ўз ўрнини тўғри топа билиши, тенгдошлари ўртасида ўрнатиладиган мустаҳкам дўстлик муносабатлари, ҳаётда керак бўлганда ҳатто бир-бири учун жонини фидо қилиш, севгининг покиги, ота-оналарнинг ҳурматини ўрнига қўйиш сингари олийжаноб фазилатлар қамраб олинади. Спектаклни театрнинг бош режиссёри Ўзбекистон ССР-да хизмат кўрсатган артист Мираакарим Бобоев саҳналаштирган. Бош ролларни ижро этишда Ўзбекистон ССР халқ артистлари М. Ҳамидова, В. Қодиров, республикада хизмат кўрсатган артист Б. Нурмуҳаммедов, артистлардан Т. Ҳамдамова, Х. Тошпўлатов, В. Нипонов, Х. Абдуллаев, А. Абдулазизова, М. Асомова ва бошқалар иштирок этмоқдалар.

Ижодий коллективнинг янги саҳна асари

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

Муносабатлар замон синовларига бардош берди

ДЕҲЛИ. СССР билан Ҳиндистон ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг мустаҳкам пегизида ривожланаётган муносабатлар замоннинг ҳамма синовларига бардош берди, деди Ҳиндистон— Совет маданият жамиятининг бош секретари Литтогкош Бихар штатидаги Татна шаҳрида бўлиб ўтган оммавий митингда.

Бу муносабатлар икки мамлакат халқларининг тинчлик ишига, қуролсизланиш ва тинч яшаш учун, империализмга, мустамлакачилик ва ирқчиликка қарши курашдаги умумий садоқатга асосланган. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг 1980 йил декабрда Ҳиндистонга қилган расмий дўстона визити Совет — Ҳиндистон дўстлиги ва ҳар тамонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлигини мустаҳкамлашда ёрқин босқич бўлди, деб таъкидлади Ҳиндистон— Совет маданий жамиятининг бош секретари. Бу визит икки мамлакат халқларининг фаровонлиги ва ялпи тинчлик манфаатлари йўлида Совет—Ҳиндистон муносабатларини чуқурлантириш ва кенгайтириш учун янги истиқболлар очиб берди.

ДЎСТЛИК КОМПЛЕКСИ

КОБУЛ. Кобул университети биносида афғон-совет дўстлиги комплексини очиш маросими бўлиб ўтди. Кенг бинода совет ва афғон китоблари кўргазмаси, икки дўст мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик тўғрисида ҳикоя қилувчи фотовиставка жойлашган, кино кўриш зали ишлаб турибди.

Университет профессор-ўқитувчилар состави, студентлар ва меҳмонларнинг ана шу воқеага бағишланган митинги қатнашчиларининг нутқларида «ҳамкорлик», «дўстлик», «бирдамлик» сўзлари тез-тез янграб турди.

Афғон халқи ва унинг ёшлари, деди митингда сўзлаган нутқида, Афғон-Совет дўстлиги жамиятининг раиси А. Ратибзод хоним, кимлар ўзининг душмани, кимлар эса дўсти эканлигини билишлари лозим. Тарихимизнинг кейинги 60 йили афғонлар дўстларини душманларидан ажрата оладиган бўлиб қолганликларини кўрсатиб турибди. Халқимиз жанг майдонларида ҳам, тинч қурилишда ҳам СССР билан ҳамкорлик кучини сезиб турибди. Апрель революцияси учун оғир бўлган дамларда СССР унга ёрдам қўлини узатди. Совет мутахассисларининг кўмаги билан Афғонистонда заводлар, йўллар, яслилар, маданий муассасалар қурилмоқда. СССР билан Афғонистон ўртасидаги ҳамкорлик, деб таъкидлади А. Ратибзод хоним, янги яшнаб турган Афғонистонни барпо этишга қаратилгандир. У АХДП Марказий Комитети, университет студентлари ва ўқитувчилари, бутун афғон халқи номидан совет дўстларига миннатдорчилик изҳор этди ва совет халқига бахт-саодат ҳамда муваффақиятлар тилади.

МЕҲНАТКАШЛАР МАНФААТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИБ

ЛИССАБОН. Португалия Компартияси Марказий Комитети Сиёсий комиссиясининг аъзоси О. Пату пойтахтнинг Алкантара районн коммунистлари билан учрашувда сўзга чиқиб, бундай деди: ҳозирги ҳукуматнинг истеъфога чиқиши Португалияда иқтисодий фалокатнинг олдини олиш ва меҳнаткашлар турмуш шароитининг янада ёмонлашувига йўл қўймаслик имконини беради.

Пулнинг қадрсизланиши ва ишсизлик тинмай кучайиб бораётган шароитида, деб таъкидлади у, давлат раҳбарларининг сиёсати мамлакатдаги иқтисодий қийинчиликларнинг кескинлашувига олиб бормоқда. Маъмурлар Португалия меҳнаткашларининг бир қанча демократик ғалабаларини бартараф этиш мақсадида ҳозирги меҳнат қонунини ҳам қайтадан кўриб чиқиш ниятидадирлар.

Коммунистлар бундай шароитда, деб т кидлади О. Пату, П тугалияда муддатни илгари парламент с лови ўтказилиши талаб қилмоқдал Биз реакцион парт ларнинг ҳукмрон к лицияси ана шу с ловда мағлубиятга самарали ва мамлака демократик ўзгартир лар амалга оширили учун имкониятл яратилишига аминм деди у пировард Бу демократик ўзг тишлар португал х қининг манфаатлар мосдир.

МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

МАПУТУ. Мозамбик Халқ Республикаси қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари мўл пахта ҳосили етиштирдилар. Ҳозирдаёқ 75 минг тонна пахта фабрикаларга ва тайёрлов пунктларига ётказиб берилди. Бу маҳсулотнинг қарийб ярмини мамлакатга давлат хўжаликлари топширди. Давлат хўжаликларининг далаларида пахта ҳосилдорлиги ўтган йилдагига нисбатан қарийб икки баровар кўпайди.

Ҳозирги вақтда Мозамбикда 250 минг гектар майдонда пахта етиштирилади. Асосий пахтачилик райони бўлган Нампула вилояти «оқ олтин» жами ҳосилининг ярмини беради. Яқин келажакда пахта етиштириладиган майдонлар анча кенгайтирилади. Бу эса 1985 йилга бориб 200 минг тоннагача пахта териб олиш имконини беради.

Ана шу тармоқни ривожлантиришда ёш республика СССР катта ёрдам бермоқда. Совет мутахассислари пахтачиликнинг илмий-тадқиқот марказини барпо этишда, қишлоқ хўжалигининг ана шу муҳим тармоғини ривожлантириш комплекс планини ишлаб чиқишда қатнашмоқдалар. Ўзбекистон ССРнинг пахтачилик мутахассислари Нампула вилоятида намунали пахтачилик давлат хўжаликларини ташкил этишда мозамбиклик дўстларга кўмаклашмоқдалар. Бу бирлашмалар илғор тажрибани оммалаштириш маркази, миллий кадрлар тайёрлаш мактаби бўлиб қолади.

В. ОСИПОВ.
Олмаота.

Жаҳон шаҳарлари ва пойтахтларида

БУДАПЕШТ. Венгрия пойтахтининг шимолидаги янги шаҳарчада шу ўн йилликнинг охирига бориб юз минг киши истиқомат қилади. Ҳозир қурувчилар дастлабки турар жойларни бунёд этишга киришдилар. Дастлабки уй эгалари янги квартираларнинг калитларини 1984 йилда оладилар.

⁂

ХАНОЙ. Вьетнам пойтахти ҳунармандчилик саноатининг механиташлари шу йилнинг октябрида давлатга қарийб 20 миллион донглик маҳсулот топширдилар. Бу — ўтган йилнинг шу давридагидан анча кўпдир. Тармоқ ходимлари меҳнатни оқилона ташкил этиш, маблағлар ва материалларни иқтисод қилиш туфайли юксак натижаларга эриша олдилар.

Ханой ҳунармандларининг маҳсулоти республикадагина эмас, шу билан бирга унинг чекаларида ҳам, шу жумладан Совет Иттифоқида ҳам катта шуҳрат қозонган.

⁂

ГАРБИЙ БЕРЛИН. Бу ерда яқин ойлар ичида ишсизлик анча кўпайиши кутилмоқда, деди меҳнат масалалари билан шуғулланувчи Э. Вронский шаҳар парламентида сўзлаган нутқида. У яқин вақт ичида ишсизлар 60 минг кишидан ошиб кетади, ёки сўнгги икки ўн йиллик ичида рекорд даражага етади, деб таъкидлади.

Расмий маълумотларга кўра, октябрь ойининг охирида шаҳарда салкам 52 минг ишсиз борлиги рўйхатга олинди. Ўтган йилнинг октябрь ойига нисбатан ишсизлар қарийб 60 процент кўпайган.

⁂

ВАШИНГТОН. Америка пойтахтида ишсизлар ғоят кўпаймоқда. Колумбия федерал округи меҳнат ресурслари бюросининг хабарига кўра, Вашингтон жойлашган территорияда октябрь ойида шаҳар аҳолисининг 9,5 проценти ишсиз эди. Бу мамлакатдаги ўртача ишсизлик даражасидан 1,5 процент кўпдир. Ёшларнинг аҳволи айниқса оғир. Пойтахтда яшовчи америкалик ёшларнинг қарийб тўртдан бир қисми ишсиздир.

⁂

ПЕКИН. Бу ерда қарам сотиш мавсуми бошланади. Бу иш Хитой шаҳар аҳолиси учун ғоят муҳимдир. Ана шу қисқа муддат ичида қарамни қишга ғамлаш учун харид қилиш ва қоқлаш зарур. Қоқланган қарам мамлакат аҳолиси қиш вақтида истеъмол қиладиган ва арзон асосий озиқ-овқат маҳсулотларидан биридир. Шунинг учун ҳозир қарамнинг бозори чаққон. Лекин аҳоли топширилган карточка билан жон бошига 15 килограмм қарам олиши мумкин, холос.





Блэкпулда Англиянинг шимолий ва ғарбий районларидан, Шотландиядан келган инглиз ишчи ва хизматчиларининг оммавий намойиши бўлиб ўтди.

Бир неча минг киши шаҳарнинг марказий кўчалари бўйлаб ўтди ва Британия меҳнаткашлари М. Тэтчер кабинетининг ишчиларга қарши қаратилган реакцион нурсидан норози эканлигини намойиш этди. Улар меҳнаткашлар зиммасига оғир юк бўлиб тушаётган социал программаларнинг қисқартирилишига, нарх-навонинг ошишига, инфляцияга қарши қатъий норозилик билдирдилар.

СУРАТЛАРДА: консерватив партиянинг конференцияси ўтаётган бинони отлиқ полициячилар муҳофаза этишяпти; намойиш қатнашчилари.

ҚОҒОЗДАГИ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИ

ВАШИНГТОН. Президент Рейган бергатта ваъдаларга рамай АҚШнинг зирги маъмурияМарказий Америка хотин-қизларининг тенг ҳуқуқли бўлмаган аҳволи ҳақ қўйиш учун қандай тадбирлар қмаяпти, дейилган АҚШ хотин-қизлар миллий ташкилоти баёнотида. Аксинҳукуматнинг давлат секторидаги ўн мин лаб иш жойларини қисқартиришни кўзтутган янги иқтисодпрограммаси меҳнаш хотин-қизлар волига жиддий заруради. Шуниш ҳам тин-қизлар ораснишсизлар сони эркаларга нисбатан ан кўп.

Меҳнатга бир хил ҳақ тўлаш тўғрисидаги мавжуд қонунга рамай америкалик тин-қизларнинг иш қи илгаригидек эркалар иш ҳақининг процентини ташкил эмоқда, дейилади баёнотида.

Туркия калейдоскоп

АНҚАРА. Ғарбий Франкияда Яқин Ўрта Шарқда кимёкоплар учун шиша колба ишлаб чиқариладиган катта комплекснига тушди. Комплекс ҳар йили 150 минг тонна шиша ва 1 миллионта кимёскоп ишлаб чиқаради. «Миллат» газетасининг хабар қилишича, Туркияда шиша ва шиша маҳсулотлари ишлаб чиқариш жами ҳажми бу йил 600 минг тонага етади.

⁂

Ўрмон ёнғинлари Туркия экономикаси учун ҳақиқий офат бўлиб қолди. Истамбул университетида бўлиб ўтган илмий семинарда хабар қилинишича кейинги 20 йилнчида ёнғин 260 минг гектар чамаси ўрмонни кул қилган. Етказилган зарар 4 миллиард турк лираси боради.

табиат ва инсон

ДЎСТ ОҚҚУШЛАР

Ғарбий Қозоғистондаги Айтпай қишлоғида истиқомат қилувчи Кенжегалиевлар оиласи қанотли меҳмонларини олис йўлга кузатиб қолди: тўртта гўзал оққуш суйиб қолган ҳовлиси устида бир айланиб учгач, жануб сари учиб кетаётган галага қўшилди.

Улар бутун ёз ва куз бўйи шу ҳовлида ҳар куни бўлиб туришди. Таниши шундан бошландики, июнь ойининг жазирама кунларидан бирида оққушлар ҳовлига кириб дарахт салқинида бемалол ўтириб олишди. Уй эгалари меҳмондўст чиқиб, «дастурхонларини» аямадилар.

Орадан бир ҳафта ўтгач, паррандалар ҳеч ҳайиқмай болаларнинг қўлидан хўрак олиб турди, улар билан ўйнай бошлади. Уй ҳайвонлари ҳам оққушларни «ўзиники» қилиб олди.

Кенжегалиевлар оиласи ва табиатни муҳофаза қилиш маҳаллий жамиятининг аъзолари оққушлар кўкламда дўстлари яшаётган жойга қайтиб келиш-келмаслигини кутадилар.

Е. ЕРМОЛИН,
ТАСС мухбири.

Фан ва техника янгиликлари

ТЕЖАМКОРЛИК ИНДИКАТОРИ

Чехословакия д а ги «Пал магнетон» корхонасининг инженерлари автомобиль ҳайдовчига моторнинг энг тежамли ишлаш режимини берувчи прибор ихтиро этдилар. Шундай индикатордан фойдаланилганида ёқилги сарфи 10 процент камаяди.

ХАВФСИЗЛИК ВОСИТАСИ

Инглиз инженерлари тунда йўл четида чироқсиз қолдирилган автомобилнинг хавфсизлигини таъминлайдиган прибор ясадилар. Прибор тўхтаб турган автомобиль ёнидан бошқа автомобиль ўтиб кетганидан сўнг бу чироқларни яна ўчиради. Автомат фақат подфарникларигина ёниб турган автомобиль 40— 50 метр масофага келганида ишга тушади.

СУВ ҚУҚАТЛАРИ ДЕНГИЗ СУВИНИ ТОЗАЛАЙДИ

Норвегиялик олимлар соҳил бўйи денгиз сувини бўлғайдиган қишлоқ хўжалик химикатлари ва бошқа моддалардан тозалаш учун сув қўқатларидан фойдаланишни таклиф қилдилар. Шу мақсадда етиштирилган сув қўқатлари молларга ем, далаларга ўғит, химия ҳамда озиқ-овқат саноати учун хом ашё сифатида ҳам қўлланилади. Биологлар саноат оқинди сувларини тозалай оладиган сув қўқатларини яратишга интилмоқдалар.

АЗОТ ҚУШОКСИДИ КУЗГА ЗАРАР ҚИЛАДИ

Япония олимлари автомобиллардан чиқувчи газларда ҳамда саноат корхоналарининг атмосферани булғайдиган тутунларида бўладиган азот қўшоксид ўпканигина эмас кўзни ҳам қаттиқ касал қилишини аниқладилар.

ҚАНД ЯРАНИНГ БИТИШИГА ЁРДАМ БЕРАДИ

Аргентиналик врачлар қанд узоқ битмайдиган жароҳатларнинг, жумладан операциядан кейинги жароҳатларнинг битишига кўмак беришини аниқладилар. Қанд жароҳатда бактерия кўпайишига тўсқинлик қилувчи микрофагларни «жалб этади» ва соғлом тўқима ҳосил бўлиши учун қулай шароитлар вужудга келтиради, деб фараз қилинмоқда.

(ТАСС).

Абадий анъаналар

Ленин орденли Забайкалье ҳарбий округи «На боевом посту» газетасининг икки сони. Улар чиқишларидан кунлар ўртасидаги тафовут ҳеч бир йилдан ошади. Газетанинг сўнгги сонида Л. И. Брежневнинг «Новий мир» журнали октябрь сонида эълон қилинган «Наследники» кўчириб босилган. 1936 йилнинг 6 октябрида ёзилиб чиққан газетада эса танк частаби курсантлари тўғрисида ҳикоя қилинган. Мақола «Западная» лейтенантлар. Улар кимлар? Ҳар аталган.

Мана ўртоқ Л. И. Брежнев — коммунист, ишчи фарзанди, ўзи петровсклик ишчи, ўқиш ҳочиси, — деб хабар қилади газета. — Дастлабки кунларданоқ у ҳужум ва сиёсий тайёргарликда ҳам кўрсаткичлар учун кураш пилотчиларидан бири бўлиб ди. Шахсан намуна кўрсатиб, ўқа ўртоқларини ўзига эргаштирди. Взводнинг стажер—командири бўлган чоғида шунга эришди, взвод отиш бўйича иккинчи ўринга «аъло» баҳога бажарди.

Армияда бўлган бир йил ичида у беш марта ташаккурнома ва 3 марта мукофот олди.

Ҳозирги вақтда ўртоқ Брежнев сиёсий ишда бўлинмада сиёсий раҳбар бўлиб ишламоқда. Унинг хизматдошларигида казарма ва Ленин хонаси ниҳоятда яхши жиҳозланган».

— Леонид Ильич хизматини ўтаган гарнизонда жанговар вазифани ошириш биз, 80-йилларнинг ўғлонлари учун катта шарафдир, дейди ўқув қисмининг командири подполковник В. Новоселов, полкдошимиз Совет Иттифоқи Қаҳрамони Леонид Ильич Брежневнинг номи бизнинг эътиборимизга мажбурият юклайди. Ўғлонлар ўқув чуқур англаймиз. Биз ўқув йилини аъло натижалар билан якунладик.

Хўш, улар, кекса авлод жанговар шон-шуҳратининг ворислари эканлар? Биринчи ротага Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги номли Челябинск олий танк командирлари бирлиги юртини битириб чиққан 1 взвод мутахассиси, капитан А. Ануляк командирлик қилмоқда. Бўлмаса узоқ вақтдан буён аълочи қўшилган.

Ҳозирги пайтда ротада кўп миллатли коллективни жипслаштириш учун «таржиман ҳол кечалари» мунтазам суратда ўтказиб турилади. Курсантлар ўзи тўғрисида, республикаси, армияга чақирилган қишлоғи ёки шаҳаридаги кишилар ҳақида ўртоқларига сўзлаб берадилар. Шу нарса диққатга сазоворки, ротадаги жангчиларнинг ҳаммаси олий маълумотлидир. Шу сабабли Л. Мельников улардан ҳар бирига «Ленин сабоғи»ни ўтказишни топшириди. Тактик машғулотлар чоғида бирон-бир курсант ўрнак кўрсатган тақдирда уларнинг ота-оналарига ташаккурномалар юборилади. Ротада саволжавоб кечалари, ажойиб кишилар билан, уруш ветеранлари, армия ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар тез-тез ўтказиб турилади, фотобюллетенлар чиқарилиб ва бошқа кўпгина ишлар ташкил этилган.

Одатда тадбирлар «Бизнинг полкдошлар» деб аталиб меҳр билан жиҳозланган ҳарбий шон-шуҳрат музейида ўтказилади. Бу ерга қўйилган экспонатлар Леонид Ильич Брежневнинг катта ва шонли меҳнат ҳамда жанговар йўли ҳақида, унинг самарали, тинимсиз партия ва давлат фаолияти тўғрисида ҳикоя қилади. Ёш жангчилар ҳарбий шон-шуҳрат музейида ҳарбий қасамёд қиладилар.

Ҳозир ўқув юртини битириб чиққан кишилар округ қўшилмаларига жўнаб кетмоқдалар. Улар жўнаш олдидан ҳарбий шон-шуҳрат музейига келиб, бу ерда полкдошларнинг жанговар анъаналарини, жонажон ўқув юртининг шоншарафи ва шуҳратини муқаддас билиб, давом эттиришга қасамёд этадилар.

Л. ФАДЕЕВ,
ТАСС мухбири.
Ленин орденли Забайкалье ҳарбий округи.

...Танклар олдинги позицияда турибди. Рота командири курсантлардан А. Куликов, В. Гридасов ва А. Колесников тушган машинадан жой олади. Нимасини ҳам айтасиз, танкчиларнинг асаблари ниҳоятда таранг бўлиб турибди, чунки улар бугун айниқса мураккаб таълим— жанговар вазифани бажаришлари керак.

«Жангга!» командаси янграйди. Двигателлар гумбурлаб, танклар уфқда аранг кўриниб турган нишонлар сари ташланди. Оғир машиналар тўсиқлардан бирин-кетин ошиб ўтмоқда. Курсант Виктор Гридасов наводкачи Андрей Куликовга команда беради ва у мўлжални аниқ нишонга олади.

— Хуллас, нишонларни чакки мўлжалга олмадик, — деб якун чиқарди рота командири капитан Шуляк. У ўз шогирдларининг ҳаракатларидан мамнун бўлсада баҳо беришда ўзини тийиб турибди, чунки бўлғуси командирларнинг ҳали кўп нарсани ўрганишлари, ҳақли равишда ўзларини танкчилар деб аташдан олдин кўп нарсани билиб олишлари керак. Капитан А. Шуляк ҳамиша шундай қиладилар. У юқори классли мутахассис, шу билан бирга тажрибали педагог ҳамдир.

Рота командирининг сиёсий қисм бўйича ўринбосари старший лейтенант Л. Мельников ҳам ўз командиридан қолишмайди. У партиявий-сиёсий ишларнинг моҳир ташкилотчиси эканлигини кўрсатди. Ҳар қандай сиёсий ходимнинг ҳам меҳнати осон эмас. Ўртоқ Л. И. Брежнев таъкидлаганидек, уруш йилларида айни сиёсий ходим жангчиларни ҳар томонлама чиниқтирганди, шундай қилинмаганида танклар ҳам, тўплар ҳам, самолётлар ҳам бизга ғалаба келтирмаган бўлур эди. Ёш офицер Мельников кекса авлод сиёсий ходимларининг тажрибасидан актив фойдаланмоқда. У ҳамиша жангчилар орасида бўлиб, илҳомбахш сўзи ва шахсий намунаси билан уларни белгиланган марраларга бошлаб бормоқда.

РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

САВДОГА ИШГА БОРИНГ!

Сотувчилик касби ҳаммавақт кишилар учун керакли ва шарафли касб бўлиб келган. Бу касб бизнинг кунимизда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Агар Сиз сотувчилик касбини эгаллашга аҳд қилган бўлсангиз,

«ШИРИН» мактаб-магазинига

ХУШ КЕЛИБСИЗ



Олти ойлик ўқиш ҳамда практика мобайнида Сиз эстетика, савдо, экономика, товаршунослик билимларини ҳамда пештахта ортида практика пайтида дастлабки малакани эгаллайсиз.

«ШИРИН» мактаб-магазинига 16 ёшдан 25 ёшгача 8—10 синф ҳажмида маълумоти бўлган қиз-жувонлар таклиф қилинади. Тошкентда доимий пропискада бўлиш шарт.

Ўқиш рус тилида олиб борилади. Ўқувчиларга ойнга 60 сўм ҳажмида стипендия тўланади. Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

Ўқишни тамомлаганларга озиқ-овқат товарлари билан савдо қилувчи кичик сотувчи малакаси берилади.

«ШИРИН» мактаб-магазинига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: ўрта маълумоти тўғрисида аттестат ёки 8 синфни тамомлаганлиги ҳақида шаҳодатнома, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, агар бўлса— меҳнат дафтарчаси, турар жойидан справка, 2 та фотосурат (3х4 см. ҳажмда) ва яна иккита фотосурат (4.5х6 см. ҳажмда).

Мактаб-магазинга кириш имтиҳонисиз қабул қилинади.

Машғулотлар— группалар комплектланишига қараб бошланади.

Ҳужжатлар А. Икромов район озиқ-овқат савдоси кадрлар бўлимида (Фарҳод ярмаркаси) қабул қилинади.

Маълумотларни 76-28-36 телефони орқали олиш мумкин.

А. ИКРОМОВ РАЙОН ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДОСИ БЎЛИМИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/XI да **Алмандар**, 21/XI да **Кузнинг биринчи куни**, 22/XI да **Алмандар** (11.00), **Баланд қоядаги аёллар** (19.30).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 20/XI да **Ёшлинда берган кўнгил**, 21/XI да **Вой дод!** 22/XI да **Ишонмасанг ўламан.**

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— янги программа «ПРОМЕТЕЙ» цирк спектакли.

КИНО

20 НОЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«СОЦИАЛИЗМ ДУНЕСИ» — **Мир.**
«МОСКВА ЖАСОРАТИ» — **Восток.**
«ГУГУРТЛАР» — **Янгиобод.**
«ҚАЛБИНГДА НИМА БОР-А?» — **Лисунов номли.**
«БУДАПЕШТ»— **Тинчлик.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТЕҲРОН—43» — **Чайка** (11, 14, 17, 20.00), **Москва** (11, 14, 17, 20.00), **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45), **Восток** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), **Санъат саройи** (катта зал, 11, 13.45, 16.15, 19.15), (кичик зал, 12, 14.30, 17.15, 19.45).
«ОЛТИН ЖАҲАННАМ» — **Ҳамза номли** (жуфт соатларда), **Узбекистон ССРнинг 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда).
«ЕН ДАФТАРНИНГ СИРИ» — **Восток** (жуфт соатларда).
«САҲРО ВА ЧАНГАЛЗОРЛАРДА» — **Искра** (17, 20.00).
«УЧҚУР ГУСАРЛАР ЭСКАДРОНИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

21 НОЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«СОЦИАЛИЗМ ДУНЕСИ» — **Мир.**
«МОСКВА ЖАСОРАТИ» — **Восток.**
«ГУГУРТЛАР» — **Янгиобод.**
«ҚАЛБИНГДА НИМА БОР-А? — **Лисунов номли.**
«БУДАПЕШТ» — **Тинчлик.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ТЕҲРОН—43» — **Чайка** (11, 14, 17, 20.00), **Москва** (11, 14, 17, 20.00), **Нукус** (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45), **Восток** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00), **Санъат саройи** (катта зал, 11, 13.45, 16.15, 19.15), (кичик зал, 12, 14.30, 17.15, 19.45).
«ОЛТИН ЖАҲАННАМ» — **Ҳамза номли** (жуфт соатларда), **Узбекистон ССРнинг 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда).
«ЕН ДАФТАРНИНГ СИРИ» — **Восток** (жуфт соатларда).
«САҲРО ВА ЧАНГАЛЗОРЛАРДА» — **Искра** (17, 20.00).
«УЧҚУР ГУСАРЛАР ЭСКАДРОНИ» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда).

«УЗХЛОДОТОРГМОНТАЖ» ТРЕСТИНИНГ

Тошкент ихтисослаштирилган ремонт-бошқармаси

КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курсларда холодильник ва савдо-технология ускуналарига техника хизмати, монтаж ва ремонт ишлари кўрсатиш бўйича слесарь-ремонтчилар тайёрланади.


Тошкент шаҳрида ва Тошкент областида доимий прописка бўлган камида 20 ёшли, 8 синфдан кам бўлмаган маълумотли ёшлар ўзаро суҳбатдан кейин қабул қилинадилар.

Курсларга қабул қилинганларга ойнга 75 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

Ўқиш муддати— 4,5 ой.

Машғулотлар группаларнинг комплектланишига кўра бошланади.

Мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, 32-алоқа бўлими. Куйбишев райони, Грампластинкалар кўчаси, 40-уй (1«э», 24«э», 17«э»-автобуслар; 17, 18-троллейбусларнинг «Марказий статистика бошқармаси» бекати). Телефонлар: 66-21-31, 66-03-65.



Шаҳримиздаги «Юбилей» Марказий спорт зали ёнида замонавий лойиҳа бўйича янги спорт комплекси биноси бунёд этилаяпти. Бу объект қурилишида «Стальмонтаж»нинг Тошкент монтаж бошқармасига қарашли Алексей Беликов бош бўлган бригада самарали меҳнат қилмоқда.

ЎРАТДА: спорт комплекси биноси манзараси тасвирланган.

М. Нуриддинов фотоси.

ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИГА — КЕНГ ЙЎЛ

ХОККЕЙ ТАЁҒИНИНГ ТАРИХИ

Оддий бўлиб туюлган буюм — чим хоккей таёғи чавғонни ясаш нақадар мураккаб эканлигини биладиганлар оз. Масалан чавғоннинг тўпга зарба берадиган қисми дуб, заранг, бук (қора қайин)нинг 20 тадан кўп пластинкаси ёпиштириб тайёрланган. Кўпдан бери Ҳиндистон чавғонлари дунёда энг яхши чавғон ҳисобланади, мамлакатимизда эса Мукачево (Украина) билан Андижон областидаги фабрикалар шундай чавғонларни ясамоқда.

Самарқанд рўзғор буюмлари заводининг мутахассислари ҳам хоккей чавғонлари ясашни йўлга қўядиган бўлдилар: Ўзбекистонда ёзги хоккей тобора оммалашиб бораяптида.

«Самарқанд» маркаси қўйилган бир тўп чавғонлар тайёр бўлди. Улар арча, ёнғоқ, қайрагочдан ясалдики, уларнинг пишиқлиги ҳатто анъанавий материаллардан ҳам устун келади.

ТОЛ ХИВИЧИ— ХОМ АШЁ...

...Тайёр маҳсулот эса— тўқилган кресло, стол, тебраима курси, сават, гул вазаларидан иборат. Ангренда республика маҳаллий саноат министрлигининг тикувчилик фабрикаси ҳузурида тўқима мебель тайёрловчи цех ишлай бошлади.

Черниговлик усталар шу цехни йўлга қўйишда ёрдам бердилар. Улар бир группа ёш ўзбек ишчиларга ўз ҳунарларини ўргатдилар.

Шу йил мингта тўқима кресло, стол ва стуллар тайёрлаб чиқариш мўлжалланади. Улар санаторийларга, дам олиш уйлари, болалар боғчаларига юборилади.

(ЎзТАГ мухбири).

ТОШКЕНТ ИДЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ТИНГЛОВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

23 ноябрь соат 18.30 да халқаро мавзуда лекция ўқувчи лекторларни тайёрлаш факультетида «Хитойнинг ташқи сиёсати» мавзуида (рус тилида) лекция ўқилади. Лектор —«Билим» жамияти аъзоси Л. П. Иконников.

25 ноябрь соат 17.00 да халқаро мавзуда лекция ўқувчи лекторларни тайёрлаш факультетида «Совет Иттифоқининг халқаро аҳволи» мавзуида ўзбек тилида лекция ўқилади. Лектор— тарих фанлари кандидати Ғ. А. Аҳмаджонов.

26 ноябрь соат 16.00 да лекторлик маҳорати ва нотиқлик санъати факультетида «Ҳозирги халқаро аҳволнинг баъзи масалалари тўғрисида» лекция ўқилади. Лектор — К. С. Тен (Узбекистон КП Тошкент область комитети пропаганда ва агитация бўлимининг лектори).

(Университет машғулотлари «Билимлар уйи»— Киров кўчаси, 24-уйда ўтказилади).

• «Эркин дунё» қиёфаси

Нега ўт қўядилар

Ўтдан ҳолва ясайдиган олғирни эшитган эдик. Бу нақл-ғ замирида чуқур маъно ётаБу демак, йўқ нарсадан бор б дунё орттиришдир. Ажаб, нарсани куппай-кун қилиб лат орттирувчилар ҳам бўлар н. Ҳа, бунга ишонаверинг. ерикада босилувчи «Тайм» налининг ёзишича, мамлакатўт қўйиш ўлат касалидек авж б кетган. Америкада йилига мингдан ортиқ ўт қўйиш ходи ни рўй берган. Биргина Нью-ркда 1976 йилнинг ўзида 6776 қўйиш ҳоллари қайд қилинган. ончли далилларга қараганда, каго шаҳрида уч йил мобайни ўт қўйиш ҳунари уч марта ибди.

Қизиқ, ўт қўйиш мўнди қозонда бўлар эди. Бу қозонлар фафсонавий дўзахда бўлиб, ўт ашни фақатгина шоҳи илдуми кажава шайтонлар қарар экан. Қирқ бир қулоқли онда чил чўпдан белангар ўтаанда гуноҳ тоши оғирлиги бимувозанатини йўқотган кишигина оташ азобини кўрар лар. Биз тилга олган ўт қўювлар инсон қиёфасида юрувчи луқлардир.

Ўт қўйишнинг ҳаддисини олган анма шахсларнинг бозори чақ. .Уйини, жойини куйдиришга зм этганлар асосан дўкон эгаби, ҳаракатда бўлмаган молни сотиш билан мулоқатда бўлганлар, маъмурий ва истиқоат уй эгалари ҳисобланади. Ўт ишидан мақсад— ерни керак маган иншоатдан озод қилиш ан бирга, катта суғурта пулини шдир.

Америкадаги Миллий марказг берган маълумотларига қаанда, биргина 1979 йилнинг да мамлакатда 623 минг ўт ўиш содир бўлган бўлиб, бунда йин кўпдан-кўп маъмурий ва ҳкомат бинолари, автомобиллар бошқа объектлар ёндириб юборилди. Ёнғиндан мутлоқ бегуноҳ 908 киши ёниб кетиб, 3 минг киши куйиб жароҳатланди, 1,25 миллиард доллар зарар кўрилган.

Ўтган йиллари катта шов-шуга сабаб бўлган нарса, Бруклинда 200 минг долларга суғурта (страхование) қилинган бино шартнома тугашига 6 минут қолганида фавқулодда қаттиқ ёнғин чиқиб, ундан нишон қолмади. Бунинг сабабини тополмай изқуварлар анча вақтгача гаранг бўлишди.

«Тайм» журнали бундай ҳодисаларни шарҳлаб, ўт қўйиш жиноятнинг энг оддийсидир, дейди. Дарҳақиқат, бир дона гугурт бўлса бўлгани, унинг асоратини миллионлаб ҳисоблаш мумкин.

Суғурта компанияларининг зорланиб қилган ҳисоб-китобларига қараганда, 1976 йилда ўт қўйишдан кўрилган асорат 2 миллиард долларни ташкил қилган экан. Махсус экспертларнинг берган маълумотларига кўра, алангадан кўрилган умумий зарар 10-15 миллиард долларни ташкил этади.

Қизиғи шундаки, ўт қўйишда бевосита ёки билвосита иштирок этувчилар нуфузли кишилар бўлиб чиқди. Ўтган йилари Бостон полицияси 22 кишини ҳибсга олган эди. Аниқланишича, буларнинг ичида ҳукуматнинг «адолатпарвар» қозиларидан 6 киши, 11 савдо аҳли, 4 та суғурта бошқармасининг ходимлари, полиция офицери ва ўт ўчириш маҳкамасининг истеъфодаги бошлиғи бўлган. Юқорида зикр қилинган нусхалар уй эгалари, дўкон пешволари билан ҳамжиҳатликда катта суғурта пулини олиш режасини амалга оширган эдилар.

Ҳа, пул-дунё жинниси учраган, машъум қотилликларгача етиб борган кимсалар орасида ҳукумат қозиларининг бўлиши —бу америкача ҳаётдан бир кўринишдир.

М. НАБИЕВ.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ҚИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНЛАРИГА

«ВАЛЕНТИНА»

НОМЛИ ЯНГИ РАНГЛИ БАДИИЙ ФИЛЬМНИ

ЧИҚАРАДИ



Александр ВАМПИЛОВНИНГ «ЧУЛИМСКДА ЎТГАН ЁЗДА» пьесаси асосида.

Сценарий автори ва режиссёр — Глеб ПАНФИЛОВ.

Ролларни ижро этувчилар: Родион НАХАПЕТОВ, Инна ЧУРИКОВА, Сергей КОЛТАКОВ, Даша МИХАЙЛОВА.

Фильмда содир бўладиган воқеалар тайгадаги шаҳарнинг кичик чойхонасида бир сутка мобайнида бўлиб ўтади. Шунингдек фильмда қатнашувчи шахслар ҳам чекланган: булар— буфетчи, официантка, чойхонага келган бир неча кишилардан иборат. Фильмнинг бош қаҳрамони ҳаётда ва инсоният ўртасида яхшиликнинг тантана қилишига қаттиқ ишонган ёш Валентина билан ҳаётдан, кишилардан ва ўзидан ҳафсаласи пир бўлган терговчи Шамановдир. Валентинанинг Шамановга бўлган муҳаббати, унинг мустаҳкам иродали ва бир мақсад йўлида қаттиқ туриши, ниҳоят, ишончи Шамановда ҳаётга нисбатан интилиш уйғотади ва уни ички чуқур кризисдан ҳалос этади.

«МОСФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

«ОЛТИН ЖАҲАННАМ»



И. Мусабековнинг «Нефть ва миллионлар ўлкасида» повести асосида

Сценарий автори— Мирзаога МИРМОВСУМОВ.

Режиссёр— Фикрет АЛИЕВ.

Жалил ролини Алиаббос ҚОДИРОВ ижро этган.

Ўтган асрнинг охири. Етимликда ва қашшоқликда ўсган фильм қаҳрамони —Жалилнинг қулоқ эшитмаган омади келади. Унга тегишли бўлган унумсиз кичкина чорвоқ ердан кутилмаганда нефть отилиб чиқади. Жалил катта капитал эгаси бўлиб қолади. Собиқ камбағал пул ваъда қилган кишилар васвасасига учрайди. Нефть конининг эгаси ана шу фурсатдан фойдаланиб Жалилни бор бисотидан маҳрум қилади. Охири камбағал ва касалманд бўлиб қолган Жалил қачонлардир бахтини топган, ҳақиқий содиқ дўстлари даврасида бўлган ўзининг эски уйига қайтиб вафот этади.

«ОЗАРБАЙЖОНФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

20 НОЯБРЬ— ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.10 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Садко» Бадиий фильм. 18.50 «Социалистик эҳиёгарлик меҳмон». Ҳужжатли фильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 М. Глинка. РСФСРда хизмат кўрсатган артист С. Лейферкус ижросида романслар. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 19.50 «Рейнда куз». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи Э. Мнацаканов олиб боради. 20.20 Т. Манн. «Будденброклар» Телевизион спектакль. 2-қисм. 21.30 «Время». 22.05 «Валли, қизлар». 23.50 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 Хоккей бўйича СССР чемпионати «Трактор» — «Спартак». Челябинскдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (20.50) — «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Янги аттракцион». Бадиий фильм.

Узбекистон телевиденнесининг программалари

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун. «Ўйлаб топ». (рус.). 18.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мураббийлар». 19.05 «Радиоизотоп диагностиканинг янги методлари». Бутуниттифоқ симпозиуми. 19.30 «Аҳборот» (рус.). 19.45 Чет эл эстрадаси артистларининг концерти. 20.30 «Ахборот». 20.50 Л. И. Брежнев. «Эсдаликлар». Узбекистон халқ артисти Е. Аҳмедов ўқийди. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 Спорт программаси: 1. Футбол шарҳи. 2. Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Бинокор» (Тошкент) — «Сибирь» (Новосибирск). 2- ва 3-даврлар «Юбилей» Марказий спорт залидан репортаж (ёзиб олинган). 00.10 Кўрсатувлар программаси.

II

17.50 Кўрсатувлар программаси. 17.55 «Ват оҳанглари». Телефильм. 18.15 Ўқитувчилар учун консультация. Қ. Муҳаммадий—болалар шоири. 18.45 Реклама. 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Чизма геометрия. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Немис тили. 20.50 «Лола». Телефильм. 21.00 «Она шаҳрим — Тошкентим». 21.30 МТ IV.

21 НОЯБРЬ—ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вермя». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «АБВГДейка». 10.35 «Ота-оналар, Сизлар учун». 11.05 Украина ССРда хизмат кўрсатган «Ятрань» халқ рақс ансамблининг концерти. 11.50 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 12.20 А. Эшпай. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 2-концерт. 12.40 «Рассом Шилов диёри». Ҳужжатли фильм. 12.55 «Сиз бунга қодирсиз». Ёш ихтирочилар конкурси. 13.55 «Спортлото»нинг 47-тираж. 14.05 «Камалак». Халқ ижодиёти телевизион программаларининг IV Халқаро фестивали: «Баалбек фестивали» (Ливан). 14.30 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 15.30 «Дунё воқеалари». 15.45 Болалар учун фильм. «Казах Голото ҳақида ўйлар». А. Гайдарнинг «РВС» повести асосида. 17.05 Мультфильмлар программаси. 17.25 Сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов суҳбати.

17.55 «Сильпа». Телевизион музикали фильм премьераси. И. Кальманнинг шу номли оперетаси асосида. 20.20 «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзулардаги суҳбати. 20.50 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК —«Динамо» (Рига). 2-давр. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Кичик спорт майдонидан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК— «Динамо» (Рига). 3-давр. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Кичик спорт майдонидан олиб кўрсатилади. 22.40 Союзлар уйининг Колонна залида санъат усталарининг концерти. 24.00 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 «Время» 9.40 Ҳужжатли фильмлар программаси. 10.35 «Тонгги почта» музикали программаси. 11.05 Адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида 1981 йилги СССР Давлат мукофотининг лауреатлари. 12.30 «Ҳаётга йўлланма». 13.30 Совет қўшиқларидан концерт. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 14.00 М. Исаковский. «Ёлнинг тупрогида». 14.30 Р. Штраус. «Саломея» операсидан етти раққос. 14.40 «Фидойи кишилар». Телевизион ҳужжатли фильм. 15.40 А. Н. Островский. «Талантлар ва мухлислар». В. В. Маяковский номли Москва академик театрининг фильм-спектакли.

18.00 «Киносаёҳатчилар клуби». 19.00 «Стерлка». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.15 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 20.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК - -«Динамо» (Рига). 1-давр. В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Кичик спорт майдонидан олиб кўрсатилади. 20.35 «Музикали киоск». 21.05 «Аёз ва қуёш». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Алвидо, Гулсари». Бадиий фильм.

Узбекистон телевиденнесининг программаси

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Ороз тароналари». Фильм-концерт. («Ўзбектелефильм»). 11.05 «Ҳаёт каби тирик» (рус.). 11.35 «Жонкуяр дўстимиз». Бадиий фильм. 13.25 «Шахмат мактаби». 13.55 «Театр учрашувлари». 15.20 «Жанговар постда» (рус.). 15.30 Кинореадкция почтасидан.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Қуён, скрип ва скрипка», «Тонгги музика». Мультфильмлар. 18.30 «Биргаликда шодон қадам ташлаймиз». СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон болалар программаларининг телевизион фестивали. 1-кўрсатув. 19.00 Ал-Хоразмийнинг 1200 йиллигига. «Буюк олим даври». 19.30 «Аҳборот» (рус.). 19.45 Л. И. Брежнев. «Эсдаликлар». Узбекистон халқ артисти Е. Аҳмедов ўқийди. 20.30 «Аҳборот». 20.50 «Қўшиқ айтган етар муродга». Конкурс программаси. 21.30 Москва «Время». 22.05 «Чорвачилик— зарбдор фронт». 22.20 «Совет киноси артистлари— студиямиз меҳмони». (рус.). 23.50 Кўрсатувлар программаси

Тожикистон телевиденнесининг программаси.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Мактаб ўқувчилари учун «Гулхан». 18.35 Болалар учун фильмлар. 19.00 «Новости». 19.20 Ҳужжатли фильм. 19.30 Телевизион театр. 20.30 «Аҳбор». 20.55 Концерт.

21.30 МТ IV.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41 ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат, — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-63-86; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар ҳўжалиги — 32-57-83 совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19, фан, маориф ва соғлиқни сақлаш ишлари — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими —33-61-42; вашриёт диспетчери 32-78-94; вашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-30

20 НОЯБРЬ, 1981 й. Р. — 03311. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. В—2199. ИНДЕКС 64690